

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Қх.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ХУДАЙБЕРДИЕВА ШАҲЛО АБДУВАЛИ ҚИЗИ

**ЛАЛМИКОРЛИҚДА АРПА ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ДОН СИФАТИГА
ЭКИШ МУДДАТЛАРИ, МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ
ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии по
сельскохозяйственным наукам (PhD)**

**Table of contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy
(PhD) in agricultural sciencyes**

Худайбердиева Шахло Абдували қизи

Лалмикорликда арпа ҳосилдорлиги ва дон сифатига экиш муддатлари,
меъёрлари ҳамда минерал ўғитларнинг таъсири.....5

Худайбердиева Шахло Абдували қизи

Влияние сроков и норм посева, а также минеральных удобрений на
урожайность и качество зерна ячменя на богаре.....21

Khudaiberdieva Shakhlo Abduvali kizi

Influence of planting periods, standards and mineral fertilizers on barley yield and
grain quality in dryland farming.....39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Қх.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ХУДАЙБЕРДИЕВА ШАҲЛО АБДУВАЛИ ҚИЗИ

**ЛАЛМИКОРЛИҚДА АРПА ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ДОН СИФАТИГА
ЭКИШ МУДДАТЛАРИ, МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА МИНЕРАЛ
ЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Qx1406 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз, (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва "ziyonet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Халилов Насриддин
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Иминов Абдували Абдуманнобович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Абдурахмонов Содикжон Обидович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Жанубий дехқончилик илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019.Қх.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил 10 сентябр, соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37. e-mail: пахтауз@mail.ru.

Диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 178 рақам билан рўйхатга олинган. Манзил: 111202, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПТИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2024 йил "20" ноябр кунни тарқатилди.
(2024 йил "20" ноябр даги 1 рақамли реестр баённомаси).



[Signature] Ш.Н.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

[Signature] Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н.,
профессор.

[Signature] Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда лалмикор ва суғориладиган ерлар 1,4 млрд. га ёки жами деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 85-87 фоизини ташкил қилади¹. Жаҳонда арпа экин майдони 60 млн гектардан ортиқ бўлиб, Европа, Шимолий ва Марказий Америка ҳамда Осиёда етиштирилади. Европада арпа ишлаб чиқариш барқарор ҳолда ялпи ҳосили ҳар йили 53,3-66,6 млн т ни ташкил қилиб, дунё бўйича 2022 йилда 132 млн, 2023 йилда 142,7 млн ва 2024 йилда 184 млн т дон ҳосили етиштирилган². Арпа кўп экиладиган давлатлар Россия (7,8 млн га), Австралия (5,5 млн га), Испания (2,5 млн га) ва Украина (2,4 млн га) ҳисобланади. Республикамизда лалмикор ерларда етиштириладиган бошоқли дон экинлари ҳосили азалдан ички эҳтиёжни қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида республикамизда лалмикор ерларда 750-800 минг гектар кузги бошоқли дон экинлари экилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, 350-400 минг гектарни ташкил этмоқда.

Дунёда етакчи мамлакатлар арпадан юқори ва сифатли ҳосил олишда етиштириш технологиясини мақбуллаштириш орқали ижобий натижаларга эришмоқда. Иқлимнинг глобал ўзгариши, тупроқ унумдорлиги пасайиши ва сув ресурсларини камайиши ем-хашак экинларини етиштириш ҳамда чорвачилик учун озуқа базасини кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун лалмикор ерларда ҳам озуқа экинлари майдонларини кенгайтириш, хусусан арпанинг дон ва сомон ҳосили ҳамда озуқа бирлиги юқори бўлган навларини жойлаштириш, турли тупроқ-иқлим шароитларига мос етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизнинг лалмикор ерлари тупроқ-иқлим шароитлари хилма-хиллигини эътиборга олган ҳолда ҳар бир худудга мос серҳосил, эртапишар, қурғоқчиликка чидамли янги навларини яратиш ва етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони³, да белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан кузги арпадан юқори ҳосил олишда лалмикор ерларда экиш муддатлари, меъёрлари ва минерал ўғитларга бўлган талабини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий изланишлар олиб боришни тақазо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4634-сон «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жориш этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2023 йил 5 апрелдаги ПҚ-113-сон «2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари

¹ <http://www.fao.org> 2023

² <https://glavagronom.ru>

³ <https://lex.uz/uz/docs/-5841063>

тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Арпанинг янги навларини яратиш, лалми ва сувли ерларда етиштириш, уруғини экиш муддати, меъёри, суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар билан озиклантириш бўйича Е.Г.Филиппов, Е.М.Кирякова, О.В.Ашаева, Г.П.Дзюин, А.Т.Фарниев, В.И.Возиян, Н.О.Завалипич, С.С.Поліщук, О.І.Потопляк, М.Federico, R.Amedeo, M.Felizardo, M.Rodriguez каби хорижий ҳамда республикаимизнинг лалмикор ва суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларида арпа селекцияси ва парваришlash агротехнологиялари бўйича Ғ.Қ.Қурбонов, Т.Хаджамкулов, Т.Маматкулов, Н.Халилов, Қ.Хўжамкулов, С.Абдурахмонов, З.Яркулова ва бошқа маҳаллий олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Аммо, Жиззах вилоятининг лалмикор, оч тусли бўз тупроқлари шароитида арпадан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда кузги Лалмикор ва дуварак Муштарак навларини экиш муддати ва меъёрига боғлиқ ҳолда минерал ўғитларни қўллаш бўйича етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №01980004512 «Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли ўсимликшунослик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илмий жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи янги ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган (2020-2024).

Тадқиқотнинг мақсади. Жиззах вилоятининг лалмикор, оч тусли бўз тупроқлари шароитида Давлат реестрига киритилган арпанинг биологик кузги Лалмикор ва дуварак Муштарак навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда экиш муддати, меъёри ва минерал ўғитларни қўллаш меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

лалмикор оч тусли бўз тупроқлар шароитида арпа навлари уруғларининг дала унувчанлиги, қишлаб чиқиши ва ҳосил йиғиштиришгача сақланувчанлигини, турли экиш муддати, меъёри ва минерал ўғитларга боғлиқ ҳолда аниқлаш;

арпа навларининг ривожланиш фазалараро ўсув даври давомийлигига, ўсимликнинг бўйи ва ётиб қолишига экиш муддати, меъёри ва ўғитларнинг

таъсирини таҳлил қилиш;

экиш муддати, меъёри ва ўғитлаш меъёрларининг арпа навларини фотосинтетик фаолиятига (барг юзаси, фотосинтетик потенциал, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, куруқ массасига) таъсирини аниқлаш;

лалмикор ерларда арпа навларининг тупланиши, маҳсулдор поялар сони ва ҳосил структураси элементлари шаклланиши.

турли экиш муддати, меъёри ва минерал ўғитларнинг арпа навларидан ҳосили ва сифатига таъсирини аниқлаш;

лалмикор оч тусли бўз тупроқлар шароитида арпа навларини экиш муддати, меъёри ва ўғитлаш тартибларининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилояти лалмикор ерлари оч тусли бўз тупроқ, арпанинг кузги Лалмикор ва дуварак Муштарак навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети арпа навларининг ўсиши, ривожланиши, қишлаб чиқиш даражаси, яшовчанлиги, ўсув даври ва ривожланиш фазаларини давомийлиги, ўсимлик бўйи ва ётиб қолишга чидамлилиги, барг сатҳи, фотосинтез маҳсулдорлиги, ҳўл ва куруқ масса, умумий ва маҳсулдор тупланиши, ҳосил структурасининг шаклланиши, дон ҳосили ва сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида лаборатория ва дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатув ва биометрик ўлчашлар, тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш ҳамда уларнинг таҳлиллари “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, «Методика полевых опытов с зерновыми культурами», «Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур», «Методы агрохимических исследований почв Средней Азии», «Методические рекомендации по оценке качество зерна», услубий қўлланмалардан фойдаланилди, тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида (Мисрософт Эхсел дастури ёрдамида) амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

Жиззах вилояти лалмикор оч тусли бўз тупроқлари шароитида икки қаторли арпанинг кузги Лалмикор ҳамда дуварак Муштарак навларининг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда мақбул экиш муддати ва меъёрлари аниқланган;

икки қаторли арпа навлари ҳосил элементларининг шаклланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари минерал ўғитлар $N_{40}P_{40}K_{40}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда энг юқори бўлган;

арпа навларининг юқори дон ва сомон ҳосили ҳамда доннинг сифат кўрсаткичлари Лалмикор навида 30 октябрда гектарига 2,5 млн дона, Муштарак навида 15 октябрда 2,5 млн дона уруғ экилганда энг юқори бўлган ҳолда гектаридан 1 млн. 161,5 минг сўмдан 2 млн. 811,5 минг сўгача соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 26,8-65,0% ни ташкил этган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйдагилардан иборат:

Жиззах вилояти лалмикор ерларининг оч тусли бўз тупроқлари шароитида

икки қаторли арпа навларининг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда мақбул экиш муддати, меъёрлари ва минерал ўғит меъёрлари аниқланган;

арпанинг кузги Лалмикор навида экиш муддати ўрта (30.10), экиш меъёри гектарига 2,5 млн.дона уруғ экилганда умумий ва маҳсулдор поялар сони кўп бўлиб, дон ҳосили энг юқори ўртача 25,5 ц/га, Муштарак навида эрта (15.10) муддатда экилганда умумий ва маҳсулдор поялар сони кўп бўлиб, бу навда ҳам экиш меъёри 2,5 млн.дона/га уруғ экилган вариантда энг юқори ўртача 20,7 ц/га дон ҳосили олинган;

арпа навларига минерал ўғитлар $N_{40}P_{40}K_{40}$ кг/га меъёрларда қўлланилганда энг юқори ҳосил (Лалмикор навида ўртача 29,7 ц/га, Муштарак навида 21,9 ц/га) олинган ва етиштириш технологиялари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дала ва лаборатория тажрибалари салоҳиятли олимлар томонидан апробациядан ўтказилганлиги, юқори баҳоланганлиги, тадқиқотлардан олинган натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланилган ҳолда математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларининг маҳаллий ва чет-эл илмий-тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти арпанинг Давлат реестрига киритилган кузги Лалмикор ва дуварак Муштарак навларининг Жиззах вилояти лалмикор оч тусли бўз тупроқлари шароитида уруғларининг дала унувчанлиги, ўсимликларнинг ҳосилни йиғиштиришгача сақланиши, ўсиш-ривожланиши, барг сатҳи, экинзорнинг фотосинтетик потенциал, фотосинтез соф маҳсулдорлиги, қуруқ модданинг тўпланиши, ҳосил структураси, экиш муддатлари, меъёрлари ва турли минерал ўғитларни қўллашга боғлиқ ҳолда ўзгариш қонуниятлари ўрганилган, таҳлил қилинган ва олинган натижалар асосида энг мақбул вариантлар аниқланган, хулосалар қилинганлиги билан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жиззах вилоятининг лалмикор оч тусли бўз тупроқлари шароитида арпанинг кузги Лалмикор ва дуварак Муштарак навларини биологик хусусиятларидан келиб чиқиб юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришни таъминлайдиган мақбул экиш муддати, меъёри ва минерал ўғитлар қўллаш тизимини ишлаб чиқиш ва шу билан биргаликда чорвачиликни озуқа, пиво саноатини ҳам ашёга бўлган талабини қондириш ҳамда етиштириш агротехнологияларини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах вилоятининг лалмикор оч тусли бўз тупроқлари шароитида икки қаторли арпа навларининг дон ҳосили ва сифатига экиш муддатлари, меъёрлари ҳамда минерал ўғитларнинг таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

фермер хўжаликлари ва агрокластерлар учун «Жиззах вилоятининг лалмикор ерлари шароитида икки қаторли арпа етиштириш агротехнологияси бўйича» номли тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг “12” августдаги №05/06-02-656-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда республикамизнинг чорвачилик учун ихтисослашган фермер хўжаликларига амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

икки қаторли арпа навларини лалмикор шароитда экиш меъёрини гектарига 2,5 млн.дона уруғ экиш ҳисобида Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида, жами 66,5 гектар майдонга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил “12” августдаги №05/06-02-656-сон маълумотномаси). Натижада мазкур технологияни жорий қилиш эвазига хўжаликлар кузги Лалмикор навида ўртача 4 млн. 397 минг сўм/га соф фойда ва 97,8% рентабеллик, дуварак Муштарак навида ўртача 3 млн. 159 минг сўм/га соф фойда ва 73,0% рентабеллик даражасига эришган;

икки қаторли арпанинг Лалмикор ва Муштарак навларини етиштиришда минерал ўғитлар $N_{40}P_{40}K_{40}$ кг/га меъёрида қўллаш технологияси Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида, жами 36,0 гектар майдонда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил “12” августдаги №05/06-02-656-сон маълумотномаси). Натижада технологияни жорий қилишдан фермер хўжаликлар кузги Лалмикор навини ўртача 3 млн. 501 минг сўм фойда олишган ва 74,6% рентабелликка, дуварак Муштарак навида эса 2 млн. 669 минг сўм соф фойда ва 56,9% рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробасияси. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Самарқанд давлат ветеринария, медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети томонидан тузилган махсус апробасия комиссияси томонидан ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 2 та республика ва 2 та халқаро илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертасия иши бўйича жами 8 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 3 та илмий мақола, 4 та тезис чоп этилган. Шундан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда, 2 та республика ва 2 та халқаро илмий анжуманларида ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертасиянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертасия таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертасиянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси, диссертация

мавзусининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг услублари, илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Кузги арпа етиштириш технологиясига оид сўнги йиллардаги тадқиқот натижаларининг шарҳи”** деб номланган биринчи бобида кузги арпанинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, ишлатилиши тарқалиши, ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига муддатларининг таъсири, экиш меъёрлари ва минерал ўғитларни кузги арпа ҳосилдорлигига таъсирига доир тадқиқотлар натижалари, чоп этилган хорижий ва маҳаллий илмий манбалар, интернет маълумотлари келтириб ўтилган. Натижаларнинг назарий ва амалий хулосалари таҳлил қилиниб, назарий ва амалий янгиликлари бўйича тадқиқотлар йўналиши белгилаб олинган.

Диссертациянинг **“Тажриба ўтказиш жойи, тупроқ-иқлим шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий тавсифи, тадқиқот ўтказилган йилларнинг иқлим шароитлари, тажриба ўтказиш услублари, тажрибада ўрганилган икки қаторли арпа навларининг таърифи ва ўстириш агротехнологияси бўйича батафсил маълумотлар келтириб ўтилган.

Ишда олиб борилган дала ва лаборатория тажрибаларининг услуб ва усулларига батафсил тўхталиб ўтилган. Икки қаторли арпанинг кузги Лалмикор ва дуварак Муштарак навларининг тавсифи ҳамда дала тажрибалари ўтказилган майдонда қўлланилган агротехнологик тадбирлари диссертациянинг “2.3-§ ва 2.4-§” параграфларида батафсил ёритилган.


Диссертациянинг **“Кузги арпа навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига экиш муддати ва меъёрларини таъсири”** деб номланган учинчи бобида арпа уруғларининг дала унувчанлиги, ўсимликларнинг қишлаб чиқиш даражаси ва яшовчанлиги, арпа навларининг ўсув даври давомийлиги, ўсимлик бўйи ва ётиб қолиш даражаси, арпанинг фотосинтетик фаолияти, умумий ва маҳсулдор поялар сони, ҳосил структураси, икки қаторли арпа навларининг дон ҳосили, сомон массааси ва доннинг сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Тажрибаларда арпа уруғларини дала унувчанлиги дуварак Муштарак навига нисбатан кузги Лалмикор навида юқори бўлганлиги аниқланган. Экиш муддатларининг кечикиши арпа уруғларини дала унувчанлигини камайишига, экиш меъёрларини ошиши эса унувчанликни юқори бўлишига олиб келган.

Экиш муддати назорат 15 октябрда экилган вариантларда арпа уруғларининг дала унувчанлиги энг юқори бўлган, бунда 2,0 млн.дона/га уруғ экилган назорат вариантыда 80,5%, 2,5 млн.дона/га уруғ экилган вариантда 82,7% ва 3,0 млн.дона/га уруғ экилган вариантда эса энг юқори 84,1% бўлганлиги қайд этилган. Ушбу кўрсаткичлар дуварак Муштарак навида

вариантларга мос равишда 77,0; 81,3 ва 81,6% бўлган.

Арпанинг Лалмикор нави уруғларнинг дала унувчанлиги бўйича энг кам кўрсаткичлар экиш муддати кечки 15 ноябрда экилган вариантларда кузатилди. Уруғларнинг дала унувчанлиги эрта 15 октябрда экилган вариантларга нисбатан кечки 15 ноябрда экилган вариантларда тегишлича 5,8% (11,7 дона); 5,2% (13,0 дона) ва 5,5% (16,6 дона) кам уруғ униб чиққанлиги қайд этилган. Арпанинг дуварак Муштарак навида ҳам юқоридаги қонуният сақланиб қолган (1-Расм).



1-Расм. Кузги арпа уруғларининг дала унувчанлигига экиш муддати ва меъёрларининг таъсири % (2022-2024 йй)

Арпанинг қишлаб чиқиш даражасига экиш муддат ва меъёрларининг таъсири натижасида олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, экиш муддатлари ва меъёрлари кузда экилган икки қаторли арпа майсаларини қишлаб чиқиш даражасига турлича таъсир кўрсатиб, бунда ўсимликларнинг қишлаб чиқиши экиш меъёри ва муддатларига боғлиқ ҳолда кузги Лалмикор навида 75,6% (248 дона) дан 85,1% (179 дона) гача, дуварак Муштарак навида эса 76,3% (184 дона) дан 81,2% (219 дона) гача ўзгарган.


Экиш меъёри гектарига 2,0 млн. дона уруғ 15 октябрда экилган назорат вариантыда қишлаб чиққан ўсимликлар навларга мос равишда 80,3% ва 79,4%, 30 октябрда экилганда 83,9% ва 78,5% ни ҳамда 15 ноябрда экилган вариантда эса 77,5% ва 77,9% ни ташкил этган. Экиш меъёри 2,5 млн. дона/га уруғ экилган вариантларда назорат 2,0 млн. дона/га уруғ экилган вариантга нисбатан 15 октябрда экилганда навларга мувофиқ равишда 1,3% ва 1,8% га, 30 октябрда 1,2% ва 2,5% га ҳамда 15 ноябрда экилган вариантда эса 0,7% ва 0,3% га юқори бўлиши аниқланган.

Арпанинг кузги Лалмикор нави экиш муддати 15 октябрда ўсимликнинг ҳосил йиғиштиришгача сақланиб қолиши 74,1% дан 78,9 5 гача, экиш муддати

30 октябрда ўтказилганда 76,0% дан 80,0% гача ва экиш муддати кечки 15 ноябрда эса сақланувчанлик 68,0% дан 72,6% гача бўлганлиги қайд этилган. Бунда энг юқори натижа экиш муддати ўрта 30 октябрда экилганда кузатилди. Экиш муддати 15 ноябргача кечикканда ҳосил йиғиштиришгача сақланиб қолган ўсимликлар анча камайиши аниқланган. Ушбу навда ўсимликларнинг дон ҳосилини йиғиштиришгача сақланишида энг кам кўрсаткич эрта муддатда (15.10) гектарига 3,0 млн.дона уруғ экилган вариантда 74,1% (201 дона), ўрта муддатда (30.10) экилганда гектарига 2,0 млн.дона уруғ экилган назорат вариантда 76,0% (128 дона) ҳамда экиш кечки (15.11) муддатда экилганда экиш меъёри гектарига 2,0 млн.дона уруғ экилган назорат вариантда эса 68,0% (112 дона) бўлган.

Муштарак навида дон ҳосили йиғиштиришгача сақланиши энг юқори натижа 30 октябрда экилганда кузатилиб, бунда экиш меъёри 2,0 млн.дона/га уруғ экилган вариантда 70,5%, 2,5 млн.дона/га уруғ экилган вариантда 78,1% ва 3,0 млн.дона/га уруғ экилган вариантда эса 74,7% бўлганлиги аниқланган. Ўсимликларни ҳосилини йиғиштиришгача сақланувчанлиги бўйича энг кам кўрсаткич 15 ноябрда экилган вариантларда аниқланди. Гектарига 2,0 млн.дона уруғ экилган назорат вариантыда ушбу кўрсаткич 63,0%, гектарига 2,5 млн.дона уруғ экилган вариантда 68,9% ва 3,0 млн.дона/га уруғ экилган вариантда эса 67,5% бўлганлиги кузатилган. 15 октябрда экилган вариантларга нисбатан 30 октябрда экилган вариантларда ўсимликларни дон ҳосилини йиғиштиришгача сақланувчанлиги вариантларга мос равишда 2,0; 0,9 ва 1,4%, 15 ноябр экиш муддатида эса 5,5; 8,3 ва 5,8% юқори бўлганлиги қайд этилган.

Кузги Лалмикор ва дуварак Муштарак навида ўсув даври давомийлиги навларга мос ҳолда 208 кундан 225 кунгача ва 204 кундан 221 кунгача ўзгарган. Экиш муддатларини 15 октябрдан 15 ноябргача кечикиши ўсув даврини қисқариб бориши кузги Лалмикор навида 15-17 кунни, дуварак Муштарак навида 16-17 кунни ташкил қилди. Экиш меъёрларини ошириш эса ўсув даври давомийлигини 1-2 кунга қисқартирган (2-расм)



2-Расм. Икки қаторли арпа навларининг ўсув даври давомийлигига экиш муддатлари ва меъёрларини таъсири (2023-2024 йй)

Икки қаторли арпанинг кузги Лалмикор ва дуварак Муштарак навларини 15 октябрда экилганда ва гектарига 2,0 млн.дона уруғ экилган назорат вариантларда ўсимлик бўйи баланд (навларга мос равишда 65,7 ва 65,1 см) бўлган бўлса, экиш муддати кечикиб (15.11) бориши билан ўсимликларнинг бўйи (57,1 ва 56,4 см) нисбатан пастроқ бўлганлиги қайд этилган.

Тажрибада баргнинг юзаси туплаш, найчалаш, бошоқлаш, сут пишиш, мум пишиш фазаларида аниқланган. Икки қаторли арпанинг кузги Лалмикор навида 1 гектардаги барг юзаси кўрсаткичлари дуварак бўлган Муштарак навига нисбатан юқори бўлиши кузатилган.

Барг юзаси энг юқори бўлган бошоқлаш фазасида арпанинг кузги Лалмикор навини ўрта муддат 30 октябрда экилганда барг юзасини ортиши ва 2,5 млн.дона/га вариантда 42,5 минг м²/га кўрсаткичга эга бўлган. Экиш меъерининг кейинга ортиши барг юза кўрсаткичини 5,41% га камайтириб умумий барг юзаси 40,2 минг м²/га бўлиши қайд этилган. Ушбу нав 15 октябрда экилганда ҳам экиш меъери 2,5 млн.дона/га уруғ экилган вариантда барг юзаси энг юқори 38,7 минг м²/га бўлганлиги аниқланган.

Арпанинг Муштарак навида барг юзаси бўйича энг юқори кўрсаткич 15 октябр муддатда 2,5 млн.дона/га уруғ меъерида экилганда аниқланган. Ушбу навда 30 октябрда барг юзаси кўрсаткичи бироз камайиши кузатилган, лекин экиш муддатининг кечикиши барг юзасини кескин камайишига олиб келган. Барг юзаси 15 ноябрда экилган муддатда эрта (15.10) экилган муддатга нисбатан барг юзаси 7,3-9,1 минг м²/га кам бўлиши аниқланган.

Икки қаторли арпанинг Лалмикор ва Муштарак навларини турли экиш муддатлари ва меъерларида экинзорнинг фотосинтетик потенциали 0,09-1,30 кун млн м²/га оралиғида ўзгариб туриши ва бу кўрсаткич фазалараро даврга ва экиш муддатларига боғлиқлиги аниқланган.

Экиш муддати 15 октярдан 15 ноябргача кечикиши билан фотосинтез соф маҳсулдорлиги камайиб бориши кузатилган. Арпанинг дуварак Муштарак навининг найчалаш фазасида фотосинтетик соф маҳсулдорлиги эрта 15 октябрда экилган муддатида юқори бўлган. Гектарига 2,5 млн.дона уруғ экилган вариантда энг юқори 3,74 г/м²*кунни ташкил қилди. Энг кам кўрсаткич экиш муддати 15 ноябрда экиш меъери гектарига 2,0 млн.дона уруғ экилган назорат вариантда 2,61 г/м²*кун бўлганлиги кузатилган.

Арпанинг кузги Лалмикор навини эрта муддатда 15 октябрда экилганда биомасса миқдори мум пишиш фазасида энг юқори кўрсаткич 2,5 млн.дона/га уруғ сарфланган вариантда (4,621 т/га) олинди. Экиш меъерини ошириш қуруқ биомасса миқдори нисбатан бироз камайиши тенденциясига эгалиги қайд этилган. Экиш ушбу навда 30 октябрда ўтказилганда вариантлар бўйича ўсимликнинг дастлабки фазасида 0,287-0,300 т/га қуруқ биомасса тўпланиши аниқланган. Пишиш фазасида 4,425-4,700 т/га қуруқ биомасса ҳосил бўлиши кузатилган. Биомасса тўпланиши Лалмикор навида Муштарак навига нисбатан юқори бўлиши аниқланган. Биомасса тўпланиш эртаги муддатда экилганда ҳам кечикиб экилганда ҳам камайиб, бунда энг юқори экиш меъери гектарига 2,5 млн.дона уруғ экилган вариантда олиндиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, кузги Лалмикор ва дуварак Муштарак навларида 15 октябрда, 2,0 млн.дона/га уруғ экилган назорат вариантда 1 м² даги маҳсулдор поялар сони навларги мувофиқ ҳолда 183,2 ва 190,0 дона бўлиб, экиш меъёри 2,5 млн.дона/га уруғ экилган вариантда навларга мос ҳолда 228,0 ва 221,4 дона ҳамда 3,0 млн.дона/га уруғ экилган вариантда эса мос равишда 224,0 ва 227,0 дона бўлганлиги қайд этилган.

Экиш муддатлари ва меъёрлари арпа ўсимлигининг ҳосил структурасига сезиларли таъсир кўрсатган. Арпанинг кузги Лалмикор навида экиш муддати 30 октябрдаги вариантларда кузатилган. Бунга кўра экиш меъёри 2,0 млн.дона/га уруғ экилган назорат вариантда бошоқ узунлиги 9,6 см, бошоқдаги донлар сони 19,9 дона, бошоқдаги донлар вазни 1,15 г ва 1000 та дон вазни 59,6 г ни ташкил этган бўлса, гектарига 2,5 млн.дона/га экилган вариантда назоратга нисбатан кўрсаткичларга мос равишда 0,9 см, 0,5 дона, 0,01 г ва 1,4 г, 3,0 млн.дона/га уруғ экилган вариантда эса назоратга нисбатан 1,7 см, 2,5 дона, 0,18 г ва 2,8 г кам бўлганлиги қайд этилган.

Лалмикор ерлар шароитида икки қаторли арпанинг дон ҳосилдорлиги навларнинг биологик хусусиятлари, об – ҳавонинг ёғин – сочин миқдори, экиш муддати ва меъёрларига боғлиқ ҳолда ўзгарган.

Дон ҳосилдорлиги энг кам бўлган вариантлар бу назорат 2,0 млн.дона/га уруғ экилган вариантда бўлиб, Лалмикор ва Муштарак навларида 15 октябр экиш муддатида ҳар иккала навда ҳам 20,6 ц/га, 30 октябрда 22,3 ва 19,7 ц/га, 15 ноябр экиш муддатида эса 14,1 ва 12,8 ц/га бўлиши аниқланган (1-жадвал).

Дон ҳосилдорлиги юқори бўлиши кузги Лалмикор навида 30 октябрда экилган вариантларда кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич дуварак Муштарак навида 15 октябрда экилган вариантларда яъни, гектарига 2,0 млн.дона уруғ экилган вариантда 20,6 ц/га, 2,5 млн.дона/га уруғ экилган варинатида 23,3 ц/га ва 3,0 млн.дона/га уруғ экилган вариантда эса 21,9 ц/га дон ҳосили олинган. Лалмикор навида дон ҳосили 30 октябрда экилан муддатда экиш меъёрларига мос равишда 22,3; 27,4 ва 23,9 ц/га ни ташкил этган. Экиш муддати ва ўғитлаш меъёрлари доимо дон ҳосилига ижобий таъсир кўрсатади дейиш нотўғри бўлиб, бу кўрсаткичга айниқса лалмикор минтақалар шароитида табиий ёғингарчиликлар миқдори ҳам кучли таъсирини кўрсатади.

Тадқиқотларимизда экиш муддатлари ва меъёрлари икки қаторли арпа навлари дон натурасига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Кузги Лалмикор навида дон натураси 30 октябрда экилган вариантларда 681,4-689,7 г/л оралиғида бўлиб, энг юқори натижа экиш меъёри 2,0 млн.дона/га уруғ экилган назорат вариантда кузатилган. Дуварак Муштарак навида 15 октябр экиш муддатида 640,5-646,9 г/л бўлган бўлса, энг юқори дон натураси ушбу навдв ҳам назорат вариантда қайд этилган. Икки қаторли арпа донидаги оқсил миқдори энг кам кўрсаткич экиш муддати кечки 15 ноябрда экилган ва гектарига 3,0 млн.дона уруғ сарфланган вариантда Лалмикор ва Муштарак навларида 13,8 ва 12,7% бўлди. 1 га дан олинган оқсил ушбу вариантларда мос равишда 2,22 ва 1,82 ц/га ни ташкил этган.

Дондаги оксил миқдори Лалмикор навида экиш муддати 30 октябрда экилган вариантда энг юқори натижа қайд этиб, бунда 2,0 млн.дона/га уруғ экилган назорат вариантда 16,9%, экиш меъёрини 3,0 млн.дона/га га ошириш дондаги оксил миқдорини 1,5% га камайтирди. Муштарак навида эса 15 октябрда экилган муддатида энг юқори бўлиб, 2,0 млн.дона/га уруғ экилган вариантыда 15,2%, 2,5 млн.дона/га варинатида 14,4% ва 3,0 млн.дона/га вариантыда эса 13,9% ни ташкил этган.

1-жадвал

Икки қаторли арпа навларининг дон ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири

№ вар	Экиш муддатлари	Экиш меъёрлари	Ҳосилдорлик ц/га			Ўртача	Қўшимча ҳосилдорлик, ц/га	
			2022	2023	2024		15 октябр экиш муддатига нисбатан	2,0 млн.дона/га экиш меъёрига нисбатан
Лалмикор нави								
1	15.10 (назорат)	2,0 млн.дона/га (назорат)	15,2	22,2	24,5	20,6	-	-
2		2,5 млн.дона/га	20,4	25,4	26,2	24,0	-	3,4
3		3,0 млн.дона/га	17,3	21,4	25,7	21,5	-	0,9
4	30.10	2,0 млн.дона/га (назорат)	17,8	23,7	25,3	22,3	1,7	-
5		2,5 млн.дона/га	23,8	27,8	30,6	27,4	3,4	5,1
6		3,0 млн.дона/га	18,7	24,5	28,5	23,9	2,1	1,6
7	15.11	2,0 млн.дона/га (назорат)	9,6	13,2	19,6	14,1	-6,5	-
8		2,5 млн.дона/га	12,5	17,7	21,4	17,2	-6,8	3,1
9		3,0 млн.дона/га	11,5	15,5	20,3	15,8	-5,7	1,7
ЭКИФ ₀₅			1,61	1,93	2,51			
ЭКИФ ₀₅ (А)			0,93	1,13	1,45			
ЭКИФ ₀₅ (Б)			1,08	1,30	1,67			
Сх%			3,30	3,06	3,39			
Муштарак нави								
1	15.10 (назорат)	2,0 млн.дона/га (назорат)	16,1	21,0	24,6	20,6	-	-
2		2,5 млн.дона/га	18,3	23,4	28,1	23,3	-	2,7
3		3,0 млн.дона/га	17,3	22,2	26,3	21,9	-	1,3
4	30.10	2,0 млн.дона/га (назорат)	15,8	20,2	23,2	19,7	-0,9	-
5		2,5 млн.дона/га	16,0	22,3	25,9	21,4	-1,9	1,7
6		3,0 млн.дона/га	15,5	21,4	24,1	20,3	-1,6	0,6
7	15.11	2,0 млн.дона/га (назорат)	8,7	12,8	16,8	12,8	-7,8	-
8		2,5 млн.дона/га	10,4	13,5	19,7	14,5	-8,8	1,7
9		3,0 млн.дона/га	11,2	13,8	17,3	14,1	-7,8	1,3
ЭКИФ ₀₅			1,33	1,75	2,26			
ЭКИФ ₀₅ (А)			0,77	1,01	1,30			
ЭКИФ ₀₅ (Б)			0,88	1,17	1,51			
Сх%			3,11	3,14	3,29			

Диссертациянинг “**Минерал ўғитлар меъёрини кузги арпа навларининг ҳосилдорлигига таъсири**” деб номланган тўртинчи бобида минерал ўғитлаш меъёрларини икки қаторли арпа навларининг дала унувчанлиги, қишлаб чиқиш даражасига, бўйининг баландлиги, фотосинтетик фаолияти, маҳсулдор поялар сони, ҳосил структураси, ҳосилдорлик ва доннинг сифат кўрсаткичларига таъсири натижасида олинган маълумотлар баён қилинган.

Кузги арпа уруғларининг дала унувчанлигини минерал ўғитлар меъёрларини ошириш уруғларни дала унувчанлиги юқори бўлишига олиб келган. Энг юқори дала унувчанлик иккала навда ҳам $N_{50}P_{50}K_{50}$ кг/га минерал ўғитлар қўлланилган вариантда мос равишда 95,0 ва 93,7% бўлганлиги кузатилган. Энг кам натижа эса назорат ўғитсиз вариантларда қайд этилган. Арпанинг Лалмикор навида Муштарақ навига нисбатан уруғларнинг дала унувчанлиги юқори бўлганлиги аниқланган.

Арпа навларида 1 м^2 даги қишлаб чиққан ўсимликлар сони Лалмикор навида ўғитлаш вариантларига боғлиқ ҳолда 167,6 дона (74,7%) дан 197,1 дона (83,0%) гача ўзгарди. Қишлаб чиққан ўсимликлар сони энг кам кўрсаткич назорат ўғитсиз вариантда 167,6 дона бўлган бўлса, гектарига $N_{50}P_{50}K_{50}$ кг/га ўғит қўлланилган вариантда назоратга нисбатан 29,5 дона (8,3%) га юқори бўлди. Ушбу навда ўғитлаш меъёрини ошириш нобуд ўсимликлар сонини камайишига олиб келди. Назорат ўғитсиз вариантга нисбатан 1 м^2 даги нобуд бўлган ўсимликлар сони $N_{30}P_{30}K_{30}$ кг/га қўлланилган вариантда 11,6 донага, $N_{40}P_{40}K_{40}$ кг/га қўлланилган вариантда 15,5 донага ва $N_{50}P_{50}K_{50}$ кг/га вариантда эса 16,2 донагача кам бўлганлиги кузатилган. Муштарақ навида ҳам шундай қонуниятлар сақланиб қолди.

Лалмикор навида умумий ва маҳсулдор поялар сони бўйича энг юқори натижада гектарига $N_{40}P_{40}K_{40}$ кг ўғит қўлланилганда аниқланди. Бунда кўрсаткичларга мос равишда 2,3 дона, 272,3 дона ва 242,8 дона бўлган. Минерал ўғитларни $N_{50}P_{50}K_{50}$ кг/га ошириш умумий ва маҳсулдор поялар сонини камайишига олиб келди. Гектарига $N_{50}P_{50}K_{50}$ кг ўғит қўлланилган вариантда, $N_{40}P_{40}K_{40}$ кг/га ўғит қўлланилган вариантга нисбатан бир тупда маҳсулдор поялар сони 0,4 дона, 1 м^2 даги умумий поялар сони 5,6 дона ва 1 м^2 даги маҳсулдор поялар сони эса 4,0 донага кам бўлди. $N_{40}P_{40}K_{40}$ кг/га ўғит қўлланилган вариантда назорат ўғитсиз вариантга нисбатан юқоридаги кўрсаткичларга мос равишда 1,2 (52,2%) донага, 36,5 (13,4%) донага ва 28,0 (11,5%) донага юқори бўлганлиги қайд этилди. Муштарақ навида ҳам юқоридаги қонуният сақланиб қолган.

Икки қаторли арпа навларини (Лалмикор, Муштарақ) Жиззах вилоятининг лалмикор оч тусли бўз тупроқлар шароитида фотосинтетик фаолияти (барг сатҳи, экинзорнинг фотосинтетик потенциал, фотосинтетик соф маҳсулдорлик, куруқ масса) минерал ўғитлар гектарига $N_{40}P_{40}K_{40}$ кг қўлланилганда энг юқори кўрсаткичга эга бўлган.

Арпа навларининг ҳосил структурасига минерал ўғитларнинг таъсири ўрганилганда $N_{30}P_{30}K_{30}$ кг/га қўлланилган вариантда бошоқ узунлиги Лалмикор ва Муштарақ навларида мос равишда 9,6 ва 9,3 см, битта бошоқдаги дон

массаси 1,11 ва 1,07 г, бошоқдаги донлар сони 20,0 ва 19,2 дона, 1000 та дон массаси мос равишда 56,6 ва 55,7 г бўлганлиги аниқланган. Энг юқори натижани қайд этган N₄₀P₄₀K₄₀ кг/га ўғит қўлланилган вариантда назорат ўғитсиз вариантга нисбатан бошоқ узунлиги навларги мос равишда 3,5 ва 3,3 см га, битта бошоқ массаси 0,32 ва 0,37 г га, бошоқдаги донлар сони 4,3 ва 4,0 донага ва 1000 та дон массаси эса ҳар икки навда 8,7 г га юқори бўлган.

2-жадвал

Кузги арпа навларининг дон ҳосилдорлигига минерал ўғитларнинг таъсири (2022-2024 йй)

